

Ражаб оyi — тинчлик оyi



21:00 / 11 январь 6877

Ражаб оyi Аллоҳ таоло Қуръони Каримда хабар берган тўрт ҳаром оyнинг биттасидир. Бу оyларда қабилалар ўртасида уруш, йўлтўсарлик, қон тўкиш каби тажовузкорлик қилиш ман этилади — ҳаром қилинади.

Бу қоида жоҳилият даврида ҳам мавжуд эди, Ислом келгандан сўнг ҳам ўз кучида қолди ва Қуръони Карим оyи ва Суннат билан қувватланди.

Бу оyлардан учтаси: Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам кетма-кет оyлар, биттаси — Ражаб оyi эса алоҳидадир. Бунинг ҳикмати шуки, Зулҳижжа оyi Ҳаж оyидир. Аллоҳнинг Каъбасини ҳаж қилиш вақтида тинчлик сақланиши умумий халқаро қоида эди. Ҳаж оyининг аввалидаги Зулқаъда ва кейинги Муҳаррам оyларининг ҳаром оy деб саналиши ҳам Ҳаж амали билан боғлиқдир. Бу нарса Зулқаъда оyида ҳожилар соғ-саломат Маккага етиб келишлари, Муҳаррам оyида эса ҳожилар ўз ватанларига соғ-саломат етиб олишлари учун кафолатдир.

Ражаб оyининг алоҳида ҳолда ҳаром оyлардан бири деб саналиши эса Аллоҳнинг Каъбасига Умра зиёрати билан келувчиларга имкон яратган.

Ражаб оyининг рўзаси бошқа оyларда тутиладиган нафл рўзалардан афзаллиги йўқдир. Фақат бу оyнинг ҳаром оyлардан бири эканлиги унинг фазилатларидир.

Ибн Ҳажар Асқалоний айтадилар: «Ражаб ойнинг фазилатига, унда тутилган рўзанинг фазилатига, бу ойнинг муайян кечасида қоим бўлиб, фалон ракат намоз ўқишнинг фазилатига далолат қилувчи бирорта саҳиҳ ҳадис ворид бўлмаган» (*Фикҳус сунна, 1-ж. 453-с.*).

Демак, «Бу ойнинг фалон фазилати бор, унда рўза тутилса, ундоқ бўлади, бундоқ бўлади, мана бу кечада фалон ракат намоз ўқилиши керак, ухламай бедор бўлиш керак, фақат ушбу мазмундаги дуоларнигина ўқиш керак», деган гаплар асоссиз бўлиб, бирор ояти карима ёки Пайғамбар ҳадислари билан ўз тасдиғини топмаган. Бироқ Аллоҳнинг ойларида бири деб, одатдаги ибодатлар, нафл намоз ва нафл рўзаларни тутиш, Аллоҳнинг ҳузурига илтижо қилиб, истаган дуоларини ўқиш фойдадан холи эмасдир.

Ҳаром ойни асос қилиб қўйишига келсак, буни уруш ҳаром қилинган ойлар – Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам ва Ражаб ойлари яхшилик асоси қилиб қўйилиши деб тушуниш керак. Бу ойларда жоҳилият вақтида ҳам урушлар таққа-тақ тўхтаган. Арзимаган нарса учун ўн йиллаб уруш қиладиган баджаҳл араб қабилалари ҳам бу ойлар кириши билан ўзларини тия олар эдилар. Ўғил отасининг қотилини кўриб қолса ҳам, унга бу ойларда бир оғиз сўз айтмас эди.

Бир йилда тўрт ойни урушсиз ой деб эълон қилиш бутун дунё тинчлигини кўзлаб қўйилган ажойиб асос эди.

Аллоҳ таоло мазкур ойнинг ҳаром ойлардан бири эканини Қуръони Каримда шундай баён этади.

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг дини аломатларини, ҳаром ойни, аталган қурбонликни, осилган белгиларни ва Роббиларидан фазл ва розилик тилаб Байтул-Ҳаромни қасд қилиб чиққанларни ўзингизга ҳалол ҳисобламанг», деган (*Моида сураси, 2-оят*).

Оятдаги «ҳаром ой»дан мурод Ражаб, Зулқаъда, Зулҳижжа ва Муҳаррам ойлари дир. Бу ойларда уруш қилишни Аллоҳ таоло ҳаром қилган. Мазкур тўрт ойда агар уруш қилинса, Аллоҳнинг ҳукмини ўзгартириб, ҳаром нарсани ҳалол ҳисоблаш бўлади. Бинобарин, бу катта гуноҳдир.

«Ҳижрий-қамарий тақвим» асосида тайёрланди.